# МУСОБАҚА: ЖАДАЛЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ҚУРИШ, СИФАТ

## КОМПЛЕКС АВТОМАТЛАШТИРИШ НИМАЛАР БЕРАДИ?

*Фан-техника тараққиёти*

«ТОШКЕНТ трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 26-механика-йиғув цехида ишлар роботлаштирилган технологик комплекс асосида олиб борилади. Биз бирлашмада ана шу комплексдан фойдаланиш самарадорлиги, унинг муаммолари ҳамда бундан кейинги тараққиёт йўли ҳақида батафсил суҳбатлашдик. Цехнинг биринчи участкасида Мирвоҳид Юсупов етакчилигидаги хўжалик ҳисоби асосида иш юритувчи энг илғор бригада хизмат кўрсатадиган ишлов бериш линияси жойлашган. Линияда бир неча станок ва тўққиз роботлаштирилган қурилма мавжуд. Пневматика, манипулятор тутқичлари детални бир станокдан олиб иккинчисига узатади. Ишлов бериш процесси узлуксиз бир станокдан иккинчисига ўтиб давом этади. Бир қарашда бу ерда ишлар ҳамиша бир маромда, силлиқ кетадигандек туюлади. Лекин одатан босиқ М. Юсуповни роботни бошқариш пултида кайфиятсиз ҳолда кўришга тўғри келди.

— Шунақаси ҳам бўлади, — деди у биз билан суҳбатда,— темир бўлсаям робот ҳам ишдан чиқар экан. Уни пухта ўйламай созлашга киришгудек бўлсак, вақтдан ютқазамиз. Кейин йўқотилган вақтни қоплаш учун зўр беришга тўғри келади.

— Бош технолог бўлими созловчилари линияни бизга топширишди-ю, кейин мутлоқ унутиб юборишди,— дейди цех бошлиғи В. Казаченко.— Бизга эса механик билан электроникни ҳамиша линия олдида ушлаб туришга тўғри келяпти. Менимча заводда роботлар, рақамли программа билан бошқариладиган ва агрегат станокларини ремонт қиладиган ягона марказ ташкил қилинса фойдалироқ бўларди.

Цех бошлиғи ўринли ўхшатиш қилган манипуляторлар билан ускуналанган станоклар замон талаби даражасида эмас, фақат бир хил жараённи бажаради. Шунинг учун ҳам линия бир смена давомида фақат бир хил маҳсулот ишлаб чиқариб кейин ҳаракатсиз бўш туради.

Роботлаштирилган линиянинг иш коэффициенти нолга тенг. Унинг таннархи станок ва тўққиз робот билан биргаликда юзлаб минг сўмга тўғри келмоқда. Агар янги деталь ишлаб чиқаришга тўғри келсачи? Яна янгидан давлат маблағини сарфлаб янги роботлаштирилган линия тузишга тўғри келадими? Ахир робот-техниканинг асосий афзалликларидан бири уни оператив равишда қайта қуриш мумкинлигида эмасми?! Агар роботлаштирилган технологик комплекс ҳақиқатда чуқур ўйлаб лойиҳалаштирилганида унга бир неча хил вазифани юклаб бир эмас, иккинчи, ҳатто учинчи сменада ҳам фойдаланишнинг имкони бўларди.

Роботлаштирилган технологик комплексда беш линия мавжуд. Улардан фақат иккитасидагина иш икки сменада ташкил қилинган. Нима учун?

— Станоклар дош бермайди.— дейди созловчи А. Осеев,— қизиб кетади ва ишни тўхтатишга мажбур бўламиз.

А. Осеев билан линиялардан бирининг ишини кузата бошладик. Манипулятор ишлов берилиши лозим бўлган детални олиб патронга жойлайди. Ишлов бериб бўлгач эса уни робот олиб чиқинди идишга ташлайди. Ғалати ҳолат тўғримасми?

— Рақамли программа билан бошқариладиган станокларни робот билан ускуналаб ҳам ишлаб кўрдик, — дейди тушунтиришни давом эттириб А. Осеев. Лекин бу усулдан воз кечишга тўғри келди. Робот тайёр бўлмаган детални чиқинди идишга ташлаётганлигининг сабаби кейинги ишлов бериш жараёнини рақамли программа билан бошқариладиган станок давом эттириши керак эди. Лекин у икки ойдан бери бузилиб ётибди.

Заводнинг технологик таълим бўлимида бугунга келиб ишлар анча юришиб қолди. Бутун беш йиллик давомида ҳар бир соҳа бўйича кадрлар тайёрлашнинг келажак плани тузиб қўйилган. Бу планда кейинги йилдан бошлаб инженер-техник ходимлар ва рақамли программа билан бошқариладиган станоклар, автомат линиялари, автоматлар, роботларга хизмат кўрсатувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилувчи мутахассисларнинг ойлик курсларини ташкил қилиш кўзда тутилган.

Ватанимизда роботлаштириладиган техниканинг барча турлари ишлаб чиқарилади. Давлат плани бўйича 2000 йилга бориб уларни ишлаб чиқаришни 2—2,3 баравар кўпайтиришни кўзда тутилган.

Кўриб турганимиздек, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бу юксак программа кенг одимлаяпти. Шу ўринда юзага келаётган юқоридаги каби муаммоларни эса ўрта бўғин раҳбарларининг қатъий талабчанлиги ва бирлашма ишчиларининг ўз вазифаларига ижодий муносабати асосида ҳал қилиш мумкин.

**Ю. ЛИСОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.**



● **МАВЛУДА Қорабоева «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида йиғувчи-слесарь бўлиб ишлайди. Ўзининг корхонадаги 13 йиллик меҳнат фаолияти давомида коллектив ҳурматига сазовор бўлди. Шу билан бирга у ишлаб чиқаришда бой тажриба тўплади. Мавлуда тайёрлаётган маҳсулотларининг биринчи тақдим этишдаёқ топширилишига эришмоқда. Доим шахсий мусобақанинг олдинги сафларида бормоқда. У Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида қатнашди. М. Қорабоева КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига жавобан янада зўр унум ва ғайрат билан меҳнат қилмоқда.**

**Т. Каримов** фотоси.

## БАЙРОҚ БЎСТОНЛИҚ МАТБААЧИЛАРИДА

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитети ҳамда республика маданият ходимлари касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи иккинчи квартал якуни бўйича Бўстонлиқ район босмахонасига бериладиган бўлди. Босмахона коллективи квартал топшириғини 103,2 процент адо этиб қўшимча салкам 23 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди.

Матбаачилар янги талаблар асосида ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар. Қурилаётган қўшимча тадбирлар туфайли ой сайин топшириқлар ортиғи билан бажарилмоқда. Ўтган ойлар давомида планга қўшимча 43,5 минг сўмлик босма маҳсулот реализация қилинди.

**А. АБДУСАМЕДОВ.**

## МУНОСИБ КУТИБ ОЛИНДИ

ЎТГАН ойда Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бекобод цемент комбинати маҳсулот бера бошлаганига 60 йил тўлди. Шу муносабат билан корхона ветеранлари билан суҳбатлашиб уларнинг жонли хотираларини тингладик. Дастлабки йилларда барча технологик жараёнлар қўлда бажарилган, маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё ва материаллар от, эшак араваларда ташиб келтирилган, асосий куйдириш цехида эса кўмир ва ўтин ёқиб клинкер тайёрланган. Ҳозир бу гаплар худди эртакка ўхшайди. Комбинат ташкил этилган 1926 йили бор-йўғи 2060 тонна цемент ишлаб чиқарилган эди...

Комбинат йил сайин кенгайиб техник қайта қуролланиб борди. Ҳозирги кунда у тармоқ корхоналари ўртасида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Замонавий асбоб-ускуналар, янги техника билан қуролланиб, ўтган давр мобайнида йилига 700 минг тонна цемент, 26 минг тонна шартли плита шифер, 600 километр шартли асбоцемент, труба, 68 минг тонна оҳак ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган йирик корхонага айланди.

Коллектив ўн биринчи беш йиллик ишлаб чиқариш планларини барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан бажариб, ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи — съездлар йилини ҳам муваффақиятли бошлади. 1986 йилнинг иккинчи квартал плани эса муддатидан илгари адо этилиб, планга қўшимча салкам 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ғалабага куйдириш цехи, оҳак ишлаб чиқариш комплекси меҳнат коллективлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Комбинатнинг меҳнатсевар коллективи КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX1 съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, ўз корхоналарининг 60 йиллик байрамини муносиб кутиб олдилар.

**Т. ҲАЛИЛОВ.**

## ЎЗАРО МУСОБАҚАЛАШИБ

11-ВИСОТСТРОЙ трестининг 69-қурилиш бошқармасида социалистик мусобақа тўғри йўлга қўйилган. Бошқарманинг Владимир Врублевский ва Владимир Стратулатов етакчилигидаги комплекс бригадалар кўп йиллардан бери ўзаро мусобақалашиб ишлаб келишмоқда. Ҳар иккала бригада коллективи пудрат асосида ишни ташкил этиб, кунлик топшириқларини 10—15 процентдан ошириб бажарилишига эришмоқда. Ҳозир бу бригада аъзолари Жуковский кўчасида «Главташкентстрой» медицина-санитария қисмининг бош ва жарроҳлик корпусида бунёдкорлик ишларини олиб боришмоқда. Коллективларнинг муваффақиятига В. Врублевский бригадасидан Бахтиёр Маҳмудов ва Владимир Артёмов, В. Стратулатов бригадасидан Николай Авраменко ва Зокир Ориповлар муносиб ҳисса қўшишмоқда.

**М. ФЕЛЬДМАН.**


**Бу саҳифада:** • Роботлаштирилган технология муаммолари • Муддат қисқа, ишлар ўлда-жўлда • Илғор трест ҳақида • Ишлаб чиқариш изга тушди


*• Ойлик иқтисодий обзор*

## Ўқувчилар олдида уятга қолмайлик

МАКТАБЛАРДА янги ўқув йили бошланишига ҳам саноқли кунлар қолмоқда. Жойларда янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари қизитиб юборилган. Областнинг кўпгина шаҳар ва районларидаги мактабларда ремонт ишлари деярли ниҳоясига етай деб қолди. Ўқувчиларнинг ўқув йилини қулай ўқув хоналарида бошлашлари учун қурувчилар жонбозлик кўрсатиб, мактаблар қурилишини жадал суръатларда олиб бормоқдалар. Жумладан, январь—июль ойларида давлат капитал маблағлари ҳисобига областимизда 3604 ўринли янги мактаб бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Съездлар йилида план бўйича жами 12 минг 350 ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари ишга туширилиши керак. Олий ҳиммат бинокорларимиз буни зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олиб жами мактабларни янги ўқув йилигача битказишга сўз беришганди. Лекин мактаблар қурилишида анча сусткашликка йўл қўйилмоқда. Бу ўқув даргоҳларини бунёд этиш учун 15 миллион сўм капитал маблағ ажратилган. Шундан йилнинг ўтган етти ойи давомида 8,2 миллион сўм ўзлаштирилди ёки бу ишлаб чиқариш планининг 55 проценти демакдир.

Чиноз районидаги «Янгиобод» совхозида 1984 йилнинг январь ойидан бери қурилаётган 392 ўринли мактаб хўжаликнинг бу йилги планида яна ўз аксини топган эди. Смета қиймати ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида ўтган йилга нисбатан 7 минг сўмга камайтирилиб, 581 минг сўм деб белгиланганди. Аммо рақамлар шундан далолат бериб турибдики, қурилишда ижобий силжиш сезилмади. Июль ойигача бу ерда бор-йўғи 109 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. «Узагропромстрой»га қарашли 2-трестнинг 6-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари ҳар қанча уринмасинлар, объектни 1 сентябрь тугул 1987 йилнинг 1 январига топширишлари ҳам амри маҳол бўлиб турибди. 1984—1986 йилларда мактаб қурилишининг бундай чўзилишининг асосий сабаби 6- ҳамда 2-механизациялашган кўчма колонналар орасида объектнинг қўлдан-қўлга ўтиб юрганлигидадир.

Олмалиқ шаҳрида халқ депутатлари маблағлари ҳисобига 1568 ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилишида эса бор-йўғи 87 процент капитал маблағ ўзлаштирилди. Яна бу ерда 154 минг сўмлик иш бажарилиши керак. Янги ўқув йили эса тобора яқинлашиб келяпти. Бинокорлик ишларини олиб бораётган «Узградострой» бирлашмасининг 354-механизациялашган кўчма колоннаси ишчилари шу қисқа вақт ичида технологик ускуналарни монтаж қилиб мактаб инвентарлари ва мебелларини бино ичига киритиб, қолган пардозлаш ишларини бажариб, мактаб территориясини кўкаламзорлаштиришга улгурармиканлар?!

Ангрен шаҳрида 1176 ўринли мактаб қурилиши ҳам ўлда-жўлда бўлиб ётибди. Шаҳарсозлик бошқармаси бинокорлари ўзлаштирилмай қолган 462 минг сўмлик маблағни учинчи кварталда албатта ўзлаштиришга «сўз беришган».

Шунингдек, 1 сентябргача область ижроия комитети капитал қурилиш бўлими томонидан бунёд этилаётган қатор мактаблар ҳам фойдаланишга топширилмай қурувчилар ўқувчилар олдида уятли бўлиб қолиши аниқ бўлиб турибди. Мана улар: Бўка районидаги Соколовка посёлкасида 784 ўринли, Ғалаба районидаги 1176 ўринли, Паркент районида иккита 784 ва 320 ўринли мактаблар шулар жумласидандир. Бу объектларда капитал қурилиш лимитларини ўзлаштиролмасликнинг асосий сабаби қурилиш майдонларида меҳнатни ташкил этишнинг қониқарсиз аҳволдалигидадир.

**А. ҒУЛОМОВ.**



● **КОММУНИСТИК меҳнат зарбдори Виктор Плешаков кўп йиллардан бери «Ташхимсельмаш» заводида токарлар бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. Илғор ишчи ўтган давр мобайнида ўнлаб шогирдлар етиштирди. Ҳозирги кунда шогирдларининг анчаси устозлари билан мусобақалашиб ишлаяпти. В. Плешаков цех партия ташкилоти аъзоси сифатида ҳам кўпгина жамоат топшириқларини бажаришга улгурмоқда.**

**М. Нуриддинов** фотоси.

*• Байроқдор коллективларда*

## БАРЧАСИГА УЛГУРИШАДИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ районининг Нариманов шаҳрида Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг саноат базалари жойлашган. Бу ерда уйсозлик комбинатлари, шағал бетон заводлари, бир неча қурилиш трестлари ишлаб турибди. Ҳар тонг юзлаб ишчиларни қарши олувчи бу корхоналарда сув иншооти қурилишига зарур қурилмалар, насослар, қувурлар, темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарилади. Бу саноат шаҳрини «Промжилводстрой» трестининг азамат қурувчилари бунёд этганлар. Бу коллектив бугунги кунда «Иргидромаш», Тошкент мотор заводлари қурилишида, ЦБЭРСП заводини, «Узоргтехстроймелиорация» трестининг тажриба экспериментал базасини, махсус полимер дренажлар қурадиган цехни қайта қуришда фаоллик кўрсатмоқда.

Трестнинг йиллик плани 14 миллион 263 минг сўмни ташкил этади. Етти ойлик план белгиланганидан анча ошириб бажарилади. Қуйи қурилиш бўлинмалари бош пудрат бўйича қатор объектларда бинокорлик ишларида актив қатнашдилар.

Оҳангарон шоссеси бошланишида Чирчиқ дарёсининг икки қирғоғида катта қурилиш кетяпти. 100 минг квадрат метр жойни эгаллаган бу гигант қурилиш мотор заводи бўлиб келажакда республикамиз қишлоқ хўжалиги механизмларини мотор билан кенг миқёсда таъминлайди. «Промжилводстрой» трестининг 2-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари бир вақтнинг ўзида заводнинг иккала навбати қурилишида иш олиб боришмоқда. —Биз заводнинг 1-навбати қурилишидаги ўз ишимизни тугалладик. —дейди колонна бошлиғи Ким Никадимов. —Ҳозир 2-навбатдаги алюмин қуюв цехи ҳамда омбор корпусини бунёд этмоқдамиз. Бу ишда Алексей Борисов етакчилигидаги комплекс бригада ишчилари маҳорат кўрсатиб ишлашяпти.

«Иргидромаш» заводи қурилишида ўтган давр мобайнида салкам 700 минг сўмлик иш бажарилди. Бу корхона лебедка, затвор, ҳар хил размердаги шчитлар ва шу каби сув иншоотлари қурилишида ишлатиладиган буюмлар ишлаб чиқаради. Яқинда заводнинг қуюв цехида биринчи маротаба чўян эритилди. Бу завод қурилишида 1-кўчма механизациялашган колоннанинг Николай Черняев, 4-механизациялашган кўчма колоннадан Фёдор Боринцев етакчилигидаги бригадалар қурувчилари меҳнат қилишди.

Шу йилнинг бошидан ЦБЭРСП заводининг қуюв цехи қайта қурила бошланди. 1-кўчма механизациялашган колоннанинг Абдураҳмон Ураилов бошчилигидаги бригадаси ишчилари вақтдан унумли фойдаланиб пландаги 210 минг сўмлик ўрнига 260 минг сўмлик иш бажаришга муваффақ бўлдилар.

Умуман трестда меҳнат интизоми қатъий йўлга қўйилган. Масалан Ш кварталда план бўйича 280 ўринга мўлжалланган болалар боғча-яслиси қурилиши керак эди. Қурувчилар эса уни муддатидан бир квартал илгари қуриб фойдаланишга топширишди.

«Промжилводстрой» тресги Тошкент мотор заводидаги қурилиш ташкилотлари ўртасидаги социалистик мусобақада 1986 йилнинг 1 квартали якуни бўйича Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Министрлар Совети, Узсовпроф ва республика ЛКСМнинг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди. Бу байроқ бинокорларни янада юксак чўққилар сари илҳомлантираверади.

**Т.ШОЮСУПОВА,**
**Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг матбуот маркази ходими.**

*• Шахсий тамға билан*

## ЕТАКЧИ

«ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» заводининг ишчиси Рамил Сулаймонов асли Самарқанд областининг Иштихон районидан. Ўрта мактабни битирган йили кўпчилик тенгдошлари қатори олий ўқув юртига кириш учун Тошкентга келди-ю, омади юришмади. Табиатан ҳаракатчан, ўзига нисбатан талабчан йигит бўлганлиги учун ҳаётидаги биринчи муваффақиятсизлик унга қаттиқ таъсир қилди. Уйига қайтиб кета олмади, ишга кирди. Бир йил ўтар ўтмас эса армия хизматига чақирилди, у ердан қайтгач яна заводга ишга келди. Ўзининг ишга бўлган муносабати, чаққонлиги билан коллектив эътиборини қозонди. Вақт ўтиши билан у корхона йўлланмаси билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ўқишга кирди. Бир неча йилдан бери асбобсозлик цехининг комсомол-ёшлар бригадасига етакчилик қилиб келмоқда.

Рамил Сулаймонов ишлаб чиқараётган маҳсулотга шахсий тамға босади, натижада бу маҳсулот ҳеч қандай назоратсиз тўғри омборга бориб тушмоқда. У «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган шарафли ном эгаси. Илғор ишчи кунлик планларни доим ошириб бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

**А. ҲУСЕИНОВ.**

## ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

ОЛМАЛИҚДАГИ мебель комбинати шаҳарнинг йирик саноат корхоналаридан. Бу ерда мингга яқин киши ишлайди. Комбинат меҳнат аҳли бу йил 18 минг 325 маҳсулот реализация қилишга аҳд қилган. Йилнинг етти ойини мебелчилар яхши якунлашди. Пландаги 10 минг 645 сўмлик ўрнига 10 минг 688 сўмлик мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2170 минг сўмлик кўпдир. Халқ истеъмоли буюмлари етти ойлик пландагидан 2653 сўмлик кўп тайёрланди. «Янгилик» индекси билан тайёрланган маҳсулотлар пландагидан 3182 сўмлик кўп бўлди. Ваҳоланки, ўтган йилнинг шу даврида бирор сўмлик ҳам ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилмаган эди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, мебель комбинати қаторасига уч йил 1983—1985 йилларда давлат планини бажармади. Биргина ўтган йили пландагидан 4,5 миллион сўмлик кам маҳсулот тайёрланди. Бунинг устига 3 миллион сўмлик маҳсулот сифатсизлиги учун корхонага қайтариб юборилганди.

Шу йилнинг дастлабки уч ойида ҳам ишлаб чиқариш плани уддаланмади. Биринчи кварталнинг ўзида пландагидан 235 минг сўмлик кам маҳсулот тайёрланди. Апрель ойидан бошлаб планлар бажарила бошланди. Бу ердаги ишчиларнинг кўпчилиги планларнинг бажарила бошлашини янги директор фаолияти билан боғламоқдалар. Унинг директорлик лавозимига тайинланганига эса атиги тўрт ой бўлди. Лекин Анвар Баҳодирович Мажитов илгари 1971—1981 йилларда ҳам директор вазифасида ишлаган. Кейин эса республика мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати министрлигига қарашли «Узбекпроектмебель» ишлаб чиқариш бирлашмасига ўтган эдилар. Кейинги беш йилга яқин вақт ичида бу ерга беш-олти нафар директор келиб кетди. Уларнинг кўпчилиги масъулиятсизлик қилиб, корхонани қолоқлик гирдобига олиб келдилар. Жумладан, собиқ директор Қ. Шоёқубов ва унинг ҳамтовоқлари қўшиб ёзганлиги, ошна-оғайнигарчилиги ва молиявий интизомни бузганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилдилар. Директор М. Сиддиқов эса раҳбарликни эплай олмаганлиги учун лавозимидан бўшатилди.

— А. Мажитов корхонага қайтиши билан илгари бу ердан кетиб қолган ишчилар корхонага қайтиб кела бошладилар,— деди касаба союз комитетининг раиси А. Валиева.— Илгарилари маҳсулот сифатсизлиги ва сурункасига планларнинг бажарилмаслиги иш ҳақининг камайиб кетишига олиб келган эди. Мукофот пули эса умуман йўқ бўлиб кетганди. Ҳозир эса маошлар ҳам дурустроқ чиқадиган бўлиб қолди.

Масалан, ўтган йилнинг биринчи ярмида 163 киши ишга қабул қилинган бўлса, шу йилнинг олти ойида 188 киши ишга кирди. Айни пайтда ўтган йилнинг ярим йилига нисбатан ўн киши кўп — яъни 174 киши ишдан бўшатилди. Булар асосан дангаса ишёқмаслар, ичкиликбозлар ва «учар»лардир. Мана шундай кишиларнинг баҳридан кечилди.

1986 йилдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг деярли ҳаммаси янгиланди. Жумладан, «Берестье-120», «Онега У-4», «Онега У-20» корпусли мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Савдо ташкилотларида харидорлар уларни мамнунлик билан сотиб олишаётир. Шу йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган республика халқ истеъмоли моллари савдоси ярмаркасида Олмалиқ мебель комбинати ҳам ўзининг 1987 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлари экспонатларини ҳам намойиш қилди. Табиийки, бу маҳсулотлар савдо ташкилотлари томонидан юқори баҳоланди ва келгуси йил учун 20 миллион сўмлик мебель маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан шартнома қабул қилинди. Булар асосан «Онега У-4», «Онега У-20», «Ятрань» каби корпусли мебеллардир. Бу маҳсулотларнинг дастлабки партияси шу йилнинг охирида савдо ташкилотларига юборила бошланади.

Булар корхонада бошланган қайта қуришнинг дастлабки натижаларидир. Албатта, ишда камчиликлар ҳам бўлади. Мебель комбинатида эса ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Жумладан, корхонани техник қайта жиҳатдан қуроллантириш суст бораяпти. Биз комбинатда бўлганимизда автокараларда кичик-кичик рейкалар, фанерлар чиқитга ташлаб юборилаётганлигини кўрдик. Ваҳоланки, улардан кўплаб халқ истеъмоли моллари тайёрлаш мумкин-ку ахир?! Тўғри, чиқитлардан комбинатда айрим маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Бироқ етти ойда пландаги 95 минг сўмлик ўрнига атиги 7 минг сўмлик маҳсулот тайёрланганлигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Комбинатда тайёр маҳсулотлар омбори жуда тор эди. Ҳозир тегишли министрликнинг ремонт-қурилиш бошқармаси ишчилари корхонада улкан тайёр маҳсулотлар омбори қуришни бошлаб юбордилар. Шунингдек, аҳолининг мебель маҳсулотларга бўлган талаб-эҳтиёжини ўрганиш ҳамда маҳсулот турларини янгилаб бориш мақсадида республика мебель ва ёғочни қайта ишлаш министрлиги ҳамда Олмалиқ шаҳар Совети ижроия комитети шаҳарда мебель фирма магазинини очишга қарор қилдилар. Бироқ ҳали шаҳар ижроия комитети магазин учун бино ажратиб бергани йўқ. Магазин очилса корхонада ортиб қолган мебель михлари, елимлар, ойналар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар билан ҳам харид қилиш имкони яратиларди.

— Ҳамма ишни кадрлар ҳал қилади,— деди биз билан суҳбатда комбинат директори А. Мажитов.— Инсон омили кўп жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Ишчилар учун зарур маданий-маиший шароитлар яратиб бериш маъмуриятнинг диққат марказида. Жумладан, комбинатда озиқ-овқат ва кулинария билан савдо қилувчи магазинлар очилди. Айни пайтда химиявий тозалаш қабул пункти, аёллар ва эркаклар сартарошхонасидан иборат маиший хизмат уйи, мева ва сабзавотлар, «шарбатлар —сувлар» дўконлари қурилмоқда.

Хуллас, ишлаб чиқаришнинг пухта ташкил этилганлиги ва меҳнат интизомининг яхшиланганлиги кунлик ўсиш суръатига ҳам таъсир этмоқда.

**О. ХУШНАЗАРОВ,**
**СССР Журналистлар союзи аъзоси.**

